# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Узумини енг, боғини ҳам сўранг

***Сурхондарёлик боғбонлар бу йил давлатга 76 минг тонна узум етказиб беришни режалаштиришган.***



■ Шунинг 41 минг 357 тоннаси Олтинсой тумани соҳибкорларининг улушига тўғри келади.

5 минг гектардан ортиқ майдонда токзор яратган олтинсойликлар бу соҳада бой тажриба тўплашган. Улар ҳозиргача мамлакатимиз аҳолиси дастурхонига қарийб 35 минг тонна узум тортиқ этдилар. Соҳибкорлар режадан ортиқ 2 минг тонна узум етиштиришни мўлжалламоқдалар.

**Г. САИДМАЛИКОВ.**

## Шовотнинг харидоргир ғиштлари

***Шовот туманидаги «Дилшод-Хитой-ғишт» корхонасида сифатли ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

■ Корхонага Хитойдан 60 минг АҚШ долларилик замонавий технологиялар келтирилиб ўрнатилганлиги туфайли бу ерда бир кунда 30-40 минг дона хом, 20 минг дона пишган ғишт тайёрланмоқда.

60 нафар маҳаллий ёш меҳнат қилаётган ушбу корхонадан ҳар ойда 600 минг дона пишган ғишт буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳунармандлар — спорт чемпионлари

***Андижон туманидаги «Гулсум» кичик корхонасида йилига 50 минг квадрат метр паролон, 150 тонна қора лак, 400 тонна пойабзал елими ишлаб чиқарилмоқда.***

■ Жамоа аъзолари касаначиликка ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Уйда ўтирган хотин-қизлардан 60 нафарининг касб маҳорати синаб кўрилгач, уларнинг хонадонларига керакли хом ашё етказилиб берилди. Натижада, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот сифати яхшиланмоқда.

Айни чоғда «Гулсум»нинг кик-боксинг спорт клубида 70 нафар ҳунарманд мунтазам машғулот ўтказмоқда. Улар орасида Осиё ва Ўзбекистон чемпионлари ҳам бор.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбиркор Ваҳобжонга раҳмат!

***“Ўзбекрезинотехника” ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли уч қаватли ишчилар ётоқхонаси кейинги йилларда қаровсизликдан анча хароб аҳволга тушиб қолганди.***

■ Шу боис, Ангрен шаҳар ҳокими қарорига биноан, у тадбиркор Ваҳобжон Қодиров тасарруфига ўтказилганди. Натижаси чакки бўлмади. Тошкент шаҳридаги “Улгуржисавдо” шуъба корхонаси билан ҳамкорликда иш юритган тадбиркор бинони 84 миллион сўм эвазига қайта қуриб, мукаммал таъмирдан чиқарди. Сўнгра унинг негизида кийим-кечакларни хорижий технологиялар воситасида тозалайдиган шохобча ҳамда бичиш-тикиш цехи барпо этди. Шунингдек, корхона қошида ёшларни тикувчилик, сартарошлик ва косибликка ўргатадиган “Дилдора” номли ўқув маркази очилди.

Бу ерга келганларнинг барчаси «Тадбиркор Ваҳобжонга раҳмат», дейишмоқда.

**А. ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мутолаа байрами

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида анъанавий ўтказиб келинадиган тадбир шундай деб номланди.***

■ Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, ёшларимиз орасида мутолаа маданиятини ошириш, нашриётчилик фаолиятини ривожлантириш, ахборот олишнинг янгича технологиялари билан кенг жамоатчиликни таништириш ва тарғиб қилишдан иборат.

Аҳамиятли томони шундаки, тадбир давомида бир қатор янги асарларнинг тақдимот маросимини ҳам уюштириш кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, ўн кун давом этадиган ушбу тадбир доирасида Ўзбекистон маданият ва санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, мутолаа маданияти, китобхонлик кўникмаларини ҳосил қилиш усулларига бағишланган турли мавзудаги давра суҳбатлари, кўргазмалар ташкил этилади.

**М. ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбек пахта толаси:*

# ЖАҲОН ЯНА ТАН БЕРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ди. Ана шу ўта мукаммал тизим кўпгина пахта етиштирувчи мамлакатларда йўқлиги, қолаверса, Ўзбекистонда қабул қилинган "O'z DST 604: 2001" усули барча талабларга жавоб бериши инобатга олинса, ўзбек пахта толасининг жаҳон бозоридаги харидоргирлиги тобора ошиб бораётганининг сабаби ойдинлашади.

Шу билан бирга, бу йилги пахта ярмаркаси иштирокчилари эътиборига пахта толасининг 1200 намунаси тақдим этилди. 18 сентябрь куни эса республика Товар-хом ашё биржасининг кундузги савдо секцияларига 2007 йил ҳосилидан олинган дастлабки 3000 тонна тола сотувга қўйилди. Мазкур савдода 1-нав, 4-типдаги толанинг бошланғич нархи 1364,67, 1-нав, 5-типдагиси 1344,13 АҚШ доллари этиб белгиланганлиги, айниқса, харидорларни қизиқтириб қўйди. Ярмарканинг дастури доирасида ўзбек миллий халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилгани, IV Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик конференциясида “Жаҳон пахта бозорида талаб ва таклиф”, “Нархлар ва унга таъсир этувчи омиллар”, “Ўзбекистонда пахта етиштириш ва маркетинг истиқболлари” ҳамда “Пахта тўқимачилигининг ҳозирги ва истиқболдаги аҳволи” мавзуларида фикр алмашилгани, шунингдек, Янгийўлдаги “Мустақил Ўзбекистоннинг 5 йиллиги” ОАЖ пахтани қайта ишлаш корхонаси, «Тошкент-тола» ҳудудий пахта терминали ва Чирчиқдаги «Бурсель» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси фаолияти билан танишиш имконияти яратиб берилгани унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Айни чоғда меҳмонлар мамлакатимизда пахтачилик комплексини ривожлантириш стратегияси билан яқиндан танишдилар, пахта толасини етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри савдо шартномаларини имзолаш, пахта терминаллари ва йўналиш коридорларидан иборат ташиш (логистика) тизимини бориб кўрдилар.

Дастлабки маълумотларга кўра, III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иш кунлари жараёнида 50 та шартнома имзоланиб, 600 минг тонна маҳсулотнинг олди-сотдиси бўйича келишувга эришилди. Бундан ташқари, республика Товар-хом ашё биржасида бўлиб ўтган савдоларда 50 минг тоннадан зиёд пахта толаси сотилди. Йирик шартномалар “Ўзпроммашимпэкс”, “Ўзмарказимпэкс”, “Ўзинтеримпэкс” давлат акциядорлик ташқи савдо компаниялари ва “ДЭУ Интернейшнл” (Жанубий Корея), “Пример Коттон Спиннинг” (Бангладеш), “Бортекс” (Россия), “Нафиса Текстайлс”(Покистон), “Свифт Групп”(БАА), “Цинжианг Нонгкен Хонге Коттон”(Хитой), “Абалоғлу текстил” (Туркия) сингари тўқимачилик компанияси ва фирмалари ўртасида имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур пахта ярмаркасининг ёпилиш маросими янада ҳаяжонли кечди. Унда сўзга чиққан “Cotton Outlook” журнали ижрочи директори Р. Батлер, Хитойнинг “Tianjin Cotton Exchange Market Co. Ltd” компанияси бош директори Б. Южань, “Рус



пахтаси ҳамжамияти” президиуми аъзоси Н. Качалов ва бошқалар Ўзбекистон пахтани ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш соҳасидаги халқаро хўжалик муносабатларининг энг фаол иштирокчиларидан бири эканлигини эътироф этдилар. Айниқса, Тошкентда анъанавий ўтказилаётган пахта ярмаркасининг иштирокчилари сони ва уларнинг географияси йилдан-йилга кенгайиб бораётгани унинг истиқболи порлоқ эканлигини англатиб турганлигини қайд этдилар.

Дунёнинг йирик тўқимачилик компаниялари вакиллари ва трейдерлари номидан сўзга чиққан Пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси ижрочи директори Т. Таунсенд ушбу Халқаро ярмарканинг аҳамияти хусусида тўхталиб, жумладан, у ахборот алмашиш, инвестициялар киритиш ва савдо-сотиқ ҳажмини кенгайтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилганлигини, гарчанд анжуман якунланса-да, ҳамкорлик давом этаверишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у учинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иштирокчиларининг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитни муҳайё этган Ўзбекистон ҳукуматига ва тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Биз дунёнинг йирик тўқимачилик компаниялари ва фирмаларининг бошқа вакилларидан ҳам ярмаркадан олган таассуротларини ўртоқлашишни илтимос қилдик.

— Пахта экспорти ва импорти компаниямизнинг асосий фаолият турларидан ҳисобланади, — **дейди Хитойнинг Шань Дун провинциясидаги “Meng Yin” пахта компанияси вакили Ши Ли Жун.** — Саноатчилар яхши билишадики, ўзбек пахтасидан олинган толалар жаҳон бозорида жуда қадрланади. Яширмайман, уни илгари “учинчи қўл”дан сотиб олган пайтларимиз ҳам бўлган. Тошкентда ўтказилган III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бизни, тўғриси, ортиқча сарф-харажатлардан халос қилди. Ярмарка давомида кўплаб самарали битимлар тузиш, мамлакатингизда етиштирилаётган пахтанинг барча хусусиятлари билан янада яқиндан танишиш, энг муҳими, ўзбек пахтасини тўғридан-тўғри, яъни, унинг ҳақиқий эгасидан харид қилиш имкониятига эга бўлганимиздан хурсандмиз.

**Эронлик саноатчи, “Лиан Аса” халқаро корпорацияси раҳбари Ф. Малек МАРЗБАН:**

— Мамлакатингиз пойтахтида 2005-2006 йилларда бўлиб ўтган пахта ярмаркаларида иштирок этмаганимдан афсусдаман. Шукрким, шундай анжуманнинг учинчисида қатнашиш менга насиб этди. Иштирокчилар орасида дунёнинг йирик тўқимачилик компаниялари вакиллари ва трейдерлари борлиги унинг юқори нуфузидан дарак беради. Тўғрисини айтганда, Тошкент ярмаркасига қўйилган пахта толасининг сифати ва нарх-навоси бизни тўлиқ қаноатлантирди.

**“ДЭУ Интернейшнл” (Жанубий Корея) компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ли Кью ЧАН:**

— Компаниямиз, қарийб 11 йилдирки, Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасини харид қилмоқда. Ўтган давр мобайнида компаниямиз томонидан маҳсулот сифати бўйича бирон марта эътироз бўлмаганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу жаҳон пахтачилик соҳасида камдан-кам бўладиган ҳодиса. Мени, айниқса, мамлакатингиз ҳаётида кечаётган ижобий жараёнлар ҳаяжонга солди. Меҳмондўст ўзбек халқининг ажойиб анъаналарига, деҳқончилик маданиятингизга ҳурматим янада ошди. Ўзбекистон ва Кореянинг ўзаро илиқ муносабатлари хусусида шуни айтишим мумкинки, ўзбеклар «Пахтамизга гард қўнмасин» деганларидек, икки халқ ўртасидаги дўстликка, савдо-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлигимизга ҳам кўз тегмасин! Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти бундан-да юксалаверсин!

Шундай қилиб, республикамиз пойтахтида уч кун давом этган III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўз ишини якунлади. Бу анъанавий ярмарка мустақил мамлакатимизнинг дунё пахта бозорида етакчи иштирокчи сифатида нуфузи ва мавқеи ошганини яна бир карра тасдиқлади. Йирик тўқимачилик корхоналари ва фирмалари вакиллари томонидан пахтамиз толаси юқори баҳоланиб, унга тан берилгани бизга ғурур ва фахр бағишлади. Ўзбек пахтасининг жаҳон бозорига жадал ва ишончли қадамлар билан кириб бориши эса, халқаро иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида самарали восита бўлиб хизмат қилади.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# «ЎЗБЕКИСТОН УЛКАН ИҚТИСОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ўз халқининг миллий урф-одатлари ва менталитети ҳисобга олинган ҳолда барча соҳаларда изчил ислоҳотларни амалга оширишни ва аниқ мақсадга йўналтирилган ёндашувни талаб этадиган улкан табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга. Шу маънода, республика ҳукуматининг ўтиш босқичида муҳим аҳамият касб этадиган жиҳатга — аҳолининг кам таъминланган ижтимоий қатламларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари, айниқса, юксак баҳога лойиқдир.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўрсаткичлари республикани янада демократик ривожлантириш ва унинг халқаро ҳамжамиятга муваффақиятли интеграциялашуви учун Ўзбекистонда мустаҳкам пойдевор қўйилганидан далолат беради».

**«Коммуникациялар ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича Франция жамияти» ходимаси Кристина Ансарге** қуйидагиларни таъкидлайди: «Мен Ўзбекистонга сафар қилиш имкониятига эга бўлганман ва мамлакат ютуқлари тўғрисида эшитган гапларимга эмас, балки кўрганларимга асосланган ҳолда фикр билдиришим мумкин.

Ўзбекистон қадимий маданият ва анъаналар билан бир қаторда улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга. Республика мустақиллик туфайли ўз тараққиёт йўлига қадам қўйди ва бугунги кунга келиб жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаб турибди. Мамлакат ҳукуматининг устувор жиҳатларни оқилона белгилаб олиши ва изчил саъй-ҳаракатлари туфайли иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши таъминланмоқда».

Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган қабул маросимида ҳам Президент И. Каримовнинг ушбу маърузаси немис тилида, алоҳида рисола шаклида тадбир иштирокчилари ўртасида тарқатилди. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси юзасидан мазкур тадбир давомида билдирилган ҳамда мамлакатимизнинг Берлиндаги дипломатия ваколатхонасига йўлланган мактубларда акс этган фикр-мулоҳазалар ҳам эътиборга сазовордир.

**«Европа-Берлин» жамияти раиси В. Фурман** фикрича, «Ўзбекистон тўғри йўлдан кетмоқда. Тарих нуқтаи назаридан баҳо берилганда, ўтган қисқа давр ичида республиканинг ўзи танлаган тараққиёт йўлида эришган ютуқлари мислсиз. Президент маърузаси нафақат мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларни қамраб олади, балки масалани аниқ ва чуқур идрок билан тасвирлаб берган яқин истиқболдаги лойиҳаларни, мақсад ва қарашларни ўзида ифода этади».

**Мюнстер шаҳар университети ҳузуридаги германистика институти директори Томас Томасек** мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасига йўллаган ўз мактубида, жумладан, шундай деб ёзади: «Бундан ўн олти йил муқаддам ўз миллий мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон қадимий маданияти билан ёш республика сифатида бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мустақилликнинг 16 йиллиги муносабати билан тақдим этган маърузаси сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва илмий-маърифий соҳалардаги масалаларнинг кенг доирасини қамраб олган. Мен олим ҳамда олий ўқув юртининг ўқитувчиси сифатида таълим ва миллий кадрлар тайёрлаш мавзусига алоҳида эътибор қаратдим. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбариятининг «замонавий демократик давлат қуришда мамлакат ёш авлодининг таълим даражасини такомиллаштириш ҳал қилувчи ўрин эгаллайди», деган фикрини тўла маъқуллайман».

Юртбошимиз маърузаси тақдимотига бағишлаб Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонасида ўтказилган тадбир иштирокчиси — **Бельгиядаги «Way Press» агентлиги халқаро муносабатлар хизмати раҳбари Ксавье Фрин**нинг фикр билдиришича, мустақил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистон эришган муваффақиятлар мамлакатни демократлаштириш ва уни иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш юзасидан ҳукумат томонидан оқилона сиёсат олиб борилаётганини яққол намойиш этади.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов маърузасининг мазмуни республика 16 йил мобайнида эришган юксак кўрсаткичлардан далолат бериши баробарида, ўзбек давлатининг янада гуллаб-яшнаши кафолати бўлган салмоқли салоҳиятни ҳам намоён этади, — дейди бельгиялик эксперт.

**«Жаҳон» АА.**

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конференцияда қайд этилганидек, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилишга оид вазифаларни амалга ошириш жараёнида давлат бошқаруви соҳаси ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда икки палатали парламент ташкил топиши билан қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлашнинг самарали тизимини яратиш, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги иштироки кўламини кенгайтириш учун реал имкониятлар юзага келди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатлар янада мувофиқлашувини таъмин этиш мақсадида Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга ўтказилди, мамлакат Бош вазирининг ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат мақоми, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари этиб сайланиши қонуний тарзда белгилаб берилди.

Давлат бошқарувини ислоҳ этишни чуқурлаштириш жараёнида марказий органларнинг бир қатор ваколат ва вазифалари, энг аввало, иқтисодий ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ҳамда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилмоқда.

Конференция иштирокчилари мамлакатимизда ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштиришнинг янги концепцияси амалга оширилганлигини, судларнинг ихтисослашуви асосида фуқаролик ишлари бўйича ва жиноят ишлари бўйича алоҳида-алоҳида судлар ташкил қилинганлигини, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан халос этилганлигини, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилганлигини, 2008 йил 1 январдан эътиборан фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилишини ва мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинишини таъкидлаб ўтдилар, ўлим жазоси умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилажаги ҳам айтилди.

Анжуман қатнашчилари масалани кенг кўламда муҳокама этар эканлар, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчиллик билан, босқичма-босқич ўтишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш зарурлигига алоҳида урғу бердилар. Улар ўз нутқларида мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичида давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Конференция ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ўқитувчилари ва тингловчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва олий ўқув юртлари олимлари ҳамда мутахассислари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

---

**сида»**ги 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда) **25-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Уй-жой мулкдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Фуқа-**

6

Буклаш чизиғи

22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413, 418-моддалар; 2006 йил, № 12, 658-модда) **4-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1-банд**:

**«я¹» кичик бандидаги** «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «фойдаланиш харажатлари» деган сўзлар тегишинча «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» ва «мажбурий бадалларни тўлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**«я²» кичик бандидаги** «уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 17 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги 740–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1,

2

Буклаш чизиғи

**роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модда иккинчи қисмининг йигирма иккинчи хатбошисидаги** «уй-жой мулкдорларининг ширкатларига» деган сўзлар «хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модда иккинчи қисмининг йигирма бешинчи хатбошисидаги биринчи жумла** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаролар коммунал хизматлар ҳақини ва мажбурий бадалларни банк муассасаси орқали ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади».

7

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## «Ми-8» парчалари топилди

***Шу йилнинг 9 сентябрь куни «Ёзги аэрогеофизик тадқиқотлар маркази» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Ми-8» вертолёти Салехарддан Воркутага кетаётган пайтда йўқолиб қолганди.***

Вертолёт бортида экипаж командири, учувчи, штурман, бортмеханик, оператор, иш ўрганувчи-оператор бор эди.

Кеча Ямал ўрмонларидан вертолётнинг парчалари топилди. Маълумотларга қараганда, вертолёт йўлда портлаб кетган. Оқибатда эса, олти нафар экипаж аъзосининг ҳаммаси ҳалок бўлган.

## Метеорит келтирган касаллик



***Перунинг тоғли қишлоқларидан бири Каранкас яқинига 15 сентябрь куни метеорит тушган эди. Орадан бир неча кун ўтгач, 500 оила истиқомат қилувчи қишлоқ аҳолисининг барчаси номаълум дардга чалинди.***

«France Presse» хабарида таъкидланишича, қандайдир ёқимсиз ҳиддан беморларнинг бошлари оғриб, кўнгиллари айнимоқда.

Маҳаллий соғлиқни сақлаш бошқармаси вакилларининг қайд этишича, қишлоқ аҳлидан хабар олишга борган етти нафар полициячи оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.

«Correo газетаси» хабарларига қараганда, беморларнинг бир қисми маҳаллий касалхоналарга жойлаштирилган. Текшириш ўтказган мутахассислар метеоритда ҳеч қандай радиация йўқ эканлиги, лекин унинг ерга қаттиқ урилиши натижасида заҳарли олтингугурт ёки маргимуш гази ҳавога тарқалган бўлиши мумкинлигини таъкидлашди.

## Хавфсизликни таъминлаш учун

***Яқинда Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 62-сессияси ўз ишини бошлайди. Унда кўплаб давлатлар раҳбарлари иштирок этиши кутилаяпти.***

Жумладан, Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежод ҳам сессияда қатнашмоқчи. У Нью-Йоркка сафари чоғида 2001 йилнинг 11 сентябрь куни террорчилик содир этилган Бутунжаҳон савдо маркази биноси жойини бориб кўришни режалаштирган эди. Лекин Нью-Йорк шаҳри мэрияси бунга қарши чиқди.

Нью-Йорк шаҳар полиция департаменти раҳбари Реймонд Келлининг таъкидлашича, президентнинг хавфсизлигини таъминлаш учун шундай қарор қабул қилинган.

## Эскиси арзонроқ

***Литва ҳукумати мамлакат ҳарбий-денгиз кучларини модернизация қилиш учун 120 миллион лит (49 миллион АҚШ доллари) ажратди.***



«ИТАР-ТАСС» хабарига қараганда, бу маблағга илгари ишлатилган бешта кема сотиб олинади. Кемалар қайси мамлакатдан харид қилиниши ҳозирча маълум эмас.

Литва Мудофаа вазирлиги давлат котиби Юрате Рагуцкененинг таъкидлашича, янги кемалар сотиб олишни мамлакат бюджети кўтармайди.

## Сайловлар бўлиб ўтади

Украина Олий Радаси депутатлари мамлакатнинг 2008 йилги бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш учун йиғилди. Парламент ишида 450 нафар депутатнинг 262 нафари иштирок этмоқда.

«УНИАН» ахборот агентлиги хабарига қараганда, парламент лойиҳани биринчи ўқишга тайёрлаш учун Олий Рада вицеспикери Адам Мартинюк ва бош вазирнинг биринчи ўринбосари Николай Азаров раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузган.

Маълумки, Украина Президенти Виктор Ющенко парламентни тарқатиб юбориш ҳақида тўрт марта фармон чиқарди. Олий Радага навбатдан ташқари сайловлар шу йилнинг 30 сентябрь куни бўлиб ўтади.

## Рухсат йўқ, аммо...

***Эстония ҳукумати «Nord Stream» компаниясига ўзининг денгиз ҳудудларида тадқиқот олиб боришига рухсат бермади.***



«РИА Новости» хабарида айтилишича, расмий Таллин давлат суверенитети ва иқтисодий манфаатларини кўзлаб, шундай қарорга келган.

«Nord Stream» компанияси Болтиқ денгизи орқали Россиядан Германияга газ қувури ўтқазмоқда. 2005 йилда бошланган бу қурилиш ишлари 2010 йилда тугалланиши керак. Эстония эса газ қувури қурилишига қарши чиқмоқда.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

***“Урганчёғ” очиқ акциядорлик жамияти Хоразм вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан биридир. Корхонада чигит қайта ишланиб, истеъмол ёғи, хўжалик совуни, шрот, шелуха, алиф олинади. Бундан ташқари, пиво, маъданли сув ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. 1994 йили корхона очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилгач, жамоа аъзолари мулк эгаси бўлишди.***

# ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

Модернизация

Пировардида, меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жорий этилиши эса хом ашёни тежаш ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бериб, даромад салмоғи орта бошлади. Айни пайтда корхонанинг 6 та асосий цехида кунига 800 тонна чигит ва 400 тонна соя қайта ишланяпти.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти юксалаётганини қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин. Ўтган йили 22119 тонна тозаланган, 1846 тонна қадоқланган ёғ, 6215 тонна хўжалик совуни, 65236 тонна шрот, 40846 тонна шелуха, 50 тонна алиф, 90 тонна пиво ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг ўтган 6 ойида эса жамоада 60 минг тонна чигит қайта ишланиб, салкам 11 минг тонна ёғ ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилди.

Кейинги йилларда корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам кўтарила бошлади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1618 тонна шрот ва 269 тонна хўжалик совуни ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилиниб, 775 минг АҚШ доллари миқдорида валюта тушумига эришилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига таққослаганда 3 баробар кўпдир.

Табиийки, маҳсулотнинг харидоргирлиги, аввало, унинг сифатига боғлиқ. Бундан жамоанинг кўнгли тўқ. Корхона 2003 йилда Париждаги 20-WQC Халқаро конвенциясида “Олтин категорияли сифат юлдузи” мукофотини қўлга киритган. Бу эътироф, ўз навбатида, жамоа зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Эътиборли томони шундаки, жамият аъзолари пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларнинг ишларини енгиллаштириш мақсадида ҳар бир туманда 2-3 тадан, жами 38 та савдо шохобчаси ташкил этди. Пахта ёғи бир, бир ярим, икки, беш литрлик идишларга қадоқланиб, салмоқли қисми ушбу шохобчалар орқали истеъмолчиларга етказилмоқда.

Эришилаётган ютуқларнинг яна бир омили корхонага хорижий инвестиция жалб этилганидир. Хусусан, Швейцариянинг “Floil Ltd” компанияси “Урганчёғ”нинг 50,2 фоиз акциялар пакетини сотиб олиб, 1117 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдорда сармоя киритди. Бу маблағ ҳисобига цехлардаги эскирган технологик линиялар замонавий ускуналар ва механизмлар билан алмаштирилди.

Бундан ташқари, транспорт харажатларини камайтириш мақсадида 15 та “Беларусь” трактори ва 30 та тиркама сотиб олинди. Корхонага қарашли ёрдамчи хўжаликда 3 та чорва фермаси капитал таъмирланди, омборхоналар қурилиб, ишга туширилди. Айни вақтда россиялик ҳамкорлар билан қўшма корхона ташкил этиб, “А” ва “В” маркали олеин кислотаси ҳамда пальметин маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кунгабоқар уруғини қайта ишлаш учун махсус ускуналар ўрнатилди.

Ёрдамчи хўжаликнинг 50 гектар ерида етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотлари, боқилаётган 200 бошга яқин қорамол ва 300 бош қўйдан олинаётган чорва маҳсулотлари ҳам жамоага қўшимча даромад келтирмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йилида жамиятда олинаётган фойданинг бир қисми саховат ишларига сарфланаяпти. Масалан, жорий йил бошидан буён спортни ривожлантириш учун 46 миллион сўмдан ортиқ, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 200 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди, қурилиш ва ободонлаштириш ишларига эса 150 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

**Д**арҳақиқат, корхона йил сайин қад ростлаб, изчил иқтисодий ривожланиш йўлига чиқмоқда. Бу, ўз навбатида, бозорларимиз мўл-кўллиги ва дастурхонимиз тўкинлигига хизмат қилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!***

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ!**

**Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уйда нархлари ошиб бориш тартибида 2007 йил 16, 23, 30 октябрь ва 6, 13 ноябрь кунлари соат 11.00 да қуйидаги кўчмас мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қўйилади.**

| Т/р | Савдо объекти номи | Бошланғич нархи (сўм) | Суд ижрочиси | Ижро хужжати № | Жойлашган манзили |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли 1-ишлаб чиқариш корпуси | 205 872 677 | Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар суд ижрочилари бўлими | Тошкент вилояти хўжалик суди 07.06.2007 й., №11-0722/403 ажрим | Янгийўл шаҳри, Низомий кўчаси, 16-уй |
| 2. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли 2-ишлаб чиқариш корпуси, асбоб-ускуналари билан бирга | 442 120 103 кўчмас мулк, 100 427 000 асбоб-ускуна | | | |
| 3. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли 3-ишлаб чиқариш корпуси | 58 248 502 | | | |
| 4. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли механика цехи | 16 714 805 | | | |
| 5. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли 1-маъмурий бино | 158 647 212 | | | |
| 6. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли 2-маъмурий бино | 135 551 695 | | | |
| 7. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли ошхона биноси | 159 822 128 | | | |
| 8. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли технохим цехи биноси | 52 667 131 | | | |
| 9. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли 3-сонли омборхона биноси | 10 607 491 | | | |
| 10. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли қозонхона | 21 844 661 | | | |
| 11. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли ишлаб чиқариш корпуси ва асбоб-ускуналар | 206 231 960 кўчмас мулк, 34 904 520 асбоб-ускуна | | | Сирдарё шаҳри |
| 12. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли 1-АБК | 62 198 674 | | | |
| 13. | «Кичкинтой» ОАЖга қарашли 2-АБК (ошхона) | 28 724 756 | | | |
| 14. | Уй-жой (ер майдони — 10 сот., 12 хона) | 31 778 000 | Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар суд ижрочилари бўлими | Тошкент вилояти хўжалик суди 14.11.2005 й. №11-0517/3064 ижро варақаси | Янгийўл шаҳри, «Янгилик» массиви, 11, 19-уй |
| 15. | «ПМК-7» корхонаси мулкий мажмуаси (кўчмас мулк, бино ва иншоотлар) | 39 464 273,34 | Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси | Тошкент вилояти хўжалик суди 02.11.2007 й. №11-0615-9428 ижро варақаси | Оққўрғон тумани, «Озод» ш/х, Олтиовул участкаси |
| **Шунингдек, қуйидаги кўчмас мулк бўйича аукцион савдолари 2007 йил 2, 9, 16, 23 ва 30 октябрь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.** | | | | | |
| 1. | Товуқ фермаси биноси, таъмирталаб | 51 106 000 | Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими | Тошкент вилояти хўжалик суди 26.10.2006 й, №11-06-05/8879 ижро варақаси | Қуйи Чирчиқ тумани, «Ўзбекистон 5 йиллиги» ш/х, А.Сулаймонов номли 1-бўлим |

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли хужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**ОМАД АГАР ДУЧ КЕЛСА, ЭТАГИДАН ТУТ МАҲКАМ! КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИГА ИШОНЧ ДОИМ МУСТАҲКАМ!**

Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгасиз.

***Кўчмас мулк — кетмас давлат! Биржамизга марҳамат!***

1398R/1572

ЭЪЗОЗ

***Марғилон шаҳрининг Аҳмад Фарғоний кўчасида истиқомат қилувчи 10 ёшли болакай — Садриддин Болтабоевнинг қувончига бутун оила аъзолари шерик бўлишди. Чунки у болалигида қаттиқ йиқилиш оқибатида юролмайдиган бўлиб қолган эди. Кўча-кўйга яқинлари ёрдамида чиқарди. Яқинда Фарғона шаҳридаги «Саховат уйи»да ўтказилган тадбирда йигирма нафар бола қатори унга ҳам ногиронлик аравачаси топширилди.***

# СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ

— Энди аравачамда бемалол ўзим юравераман, — дейди Садриддин. — Китоб дўкони ва кутубхонага бораман. Ўртоқларим билан ўйнайман. Шу кунгача ўқитувчим уйга келиб ўқитарди.

Садриддиннинг юзкўзидаги шодлик аравачасини машинага ортганча Бешариқ туманидаги Қашқар қишлоғига йўл олган Рамзиддин Умаралиев, Риштон туманининг Чек Насриддин қишлоғида истиқомат қилувчи Малоҳатхон Ҳайдарованинг кўнглида ҳам акс-садо бергани шубҳасиз.

Вилоят «Маҳалла» жамғармаси уюштирган тадбирга эса ногирон бўлиб қолган отахон, онахонлар таклиф этилди. Уларга ҳам ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари ва ортопедия ускуналари берилди.

Вилоят прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўтказилаётган бундай ғамхўрликдан Боғдод, Ўзбекистон, Фурқат, Учкўприк туманларида истиқомат қилувчи 90 нафардан зиёд ногиронлар ҳам баҳраманд бўлдилар. Қисқа вақт ичида муҳтожларга 231 та ногиронлик аравачаси, 55 та эшитиш мосламаси, 100 жуфт қўлтиқтаёқ, 112 та ҳасса, 281 та ортопедия маҳсулотлари тарқатилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «БУЮК ШАҲАР ҲАҚИДАГИ ДОСТОНЛАР»

***Пойтахтимиздаги “Ренессанс” санъат галереясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган “Буюк шаҳар ҳақидаги достонлар” мавзуида бадиий кўргазма очилди. Унда мамлакатимиз мўйқалам соҳибларининг қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарга бағишланган асарлари намойиш этилмоқда.***



Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қадимий шаҳарларимиз тарихини чуқур ўрганишга, уларнинг юбилейларини кенг нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қарорлари асосида жорий йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги нишонлангани бу борадаги ишлар изчил олиб борилаётганига ёрқин мисолдир.

Миллий давлатчилигимиз ва маънавиятимизнинг қадимий бешикларидан бўлмиш Самарқанд шаҳри ўзининг бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари, ноёб тарихий-меъморий обидалари билан жаҳон маданияти, илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Замин сайқали сифатида ном қозонган Самарқанд аксарият ижодкорлар, жумладан, мўйқалам соҳиблари, ҳайкалтарошлар, қўли гул уста ва ҳунармандларнинг ҳам доимий илҳом манбаи бўлиб келган.

Кўргазмада юртимиз мусаввирлари, ҳайкалтарошлари, кулоллари томонидан ишланган мазкур шаҳарнинг бетакрор манзаралари, асрлар билан тенглашган обидалари, сахий ва танти одамлари, тўкин бозорлари, умрбоқий анъана ва қадриятлари акс эттирилган асарлар билан танишиш мумкин. Муборак Йўлдошевнинг «Афсонанинг яратилиши», «Бибихоним», Акром Баҳромовнинг «Шоҳи Зинда», Ғафур Абдураҳимовнинг «Самарқанд. Буюк Ипак йўли», Фарит Аҳметзяновнинг «Энтикиш» каби асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ҲАМКОРБАНК
АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ

барча юртдошларимизни
Муқаддас Рамазон ойи билан
самимий муборакбод этади ҳамда сизлар чун
«Барқарор» ва «Ҳаммабоп»
омонатларини таклиф қилади.



«БАРҚАРОР» омонатининг сақланиш муддати — 3 ой, йиллик — 24%.
Омонат фоизлари омонатчига ҳар ойда тўлаб борилади.

«ҲАММАБОП» омонатининг сақланиш муддати — 6 ой, йиллик — 21%.
Омонатчи ўз фоизлари ва омонатини истаган вақтда тўлиқ ҳолда қайтариб олиш мумкин.
Бунда омонатчи томонидан аввал олинган омонат фоизларининг қайтарилиши талаб қилинмайди.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«Ҳамкорбанк» — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!




Тел.: 215-89-89,
215-83-38. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.
HYUNDAI Official Partner
www.hyundai-motor.com



***Мўъжизакор шаҳарнинг яқингинада нишонланган 2750 йиллик тантаналари халқимизнинг, қолаверса, унда иштирок этган хорижлик меҳмонларнинг қалбларида абадий сақланиб қолди. Самарқанд — Самарқанд бўлибдики, ҳусну жамоли, баҳаво табиати, инсон ақлу заковати яратган бетакрор обидалари билан не-не дилларни мафтун айламади, қанчалаб алломалар ушбу жилвагар шаҳарга интилиб, унинг таърифу тавсифи ҳақида битиклар битишмади.***

# САОДАТЛИ КУНЛАР ШУКУҲИ

— Азим шаҳарнинг қутлуғ юбилейи мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида нишонланиши, тантаналарга «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусиқа фестивали садоларининг уланиб кетиши унинг салоҳиятини, салобатини ошириб юборди, — дейди Жомбой туманидаги «Тўйчи бобо» фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Эшпўлат Тўйчиев. — Мени, айниқса, мамлакатимиз Президентининг юбилейга бағишланган тантанали маросимдаги сўзлари ниҳоятда тўлқинлантирди.

Бу қувончлар оғушида юрганимда яна бир шодлик кўксимни тоғдай кўтарди. Мен Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида Юртбошимиз маърузасини тинглаш бахтига муяссар бўлдим.

Мустақиллик йилларида бутун мамлакат, жумладан, кўҳна Самарқанднинг ҳам ҳар жиҳатдан чирой очганини, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришганини бугун дунё эътироф этаяпти. Бу фикрни шаҳардаги қадимий осориатиқаларнинг ўз ҳолига келтирилиши, кўплаб янги маданий-маиший иншоотлар қурилиши, кўчаларнинг кенгайтирилиши, янги йўллар, хиёбонлар барпо қилинганидан ва бундай эзгу ишларнинг давом эттирилаётганидан ҳам англаш мумкин.

**▼ Ифтихор**

Дангалига айтсам, ҳаётимдаги барча ижобий ўзгаришлар мустақиллик ҳамда Самарқанд билан боғлиқ. Очиғи, Истиқлолга қадар меҳнатим қадрланмаган эди. Қишлоқда яшасак-да, экин-тикин қиладиган дурустроқ томорқамиз ҳам йўқ эди. Бугун эса ҳаммасига эгаман. Оила аъзоларим билан 2002 йилда фермер хўжалиги ташкил қилдим. 55,2 гектар экин майдонимиз бор. Пахта, ғалла, пилла ва сабзавот етиштирамиз. Даромадимиз эвазига «Нексия» ва «Дамас» автомашинаси, фермер хўжалиги учун 2 та ишлов бериш трактори, замонавий маиший ускуналар, мебель ва бошқа жиҳозлар сотиб олдим.

Яна бир доврукли инсон — Ўзбекистон Қаҳрамони, ганчкор уста Мирумар Асадов номи Самарқанддагина эмас, мамлакатимизда ҳам машҳур. Самарқанддаги, шу жумладан, вилоятлардаги қадимий обидалар, мадрасалар ва бошқа иншоотларни таъмирлаш, реставрация қилиш, янгитдан қуришда Мирумар аканинг ўзига хос хизматлари бор.

— Бугунги кунларни бундан 15-20 йил аввалги кунлар билан асло таққослаб бўлмайди, — дейди Мирумар ака. — Узоқ ўйлашнинг сира ҳожати йўқ. Регистонга келсангиз, бас. Бу кўҳна манзилни ҳар келганда қайтадан кашф этасиз. Ҳар бир кошин, равоқ, бўёқ, ҳатто, пойдеворидан тортиб, минораларнинг учларигача қўйилган ғиштлар гапираётгандек, қадимий тарихдан сўзлаётгандек, гўё.

Бинобарин, Регистон ҳеч бир замонда бугунгидек яшнаб кетмаган, атрофдаги кўплаб осориатиқалар билан бу қадар уйғунлашмаган эди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан 2004 йилда «Тошбошплан» ЛИТИ лойиҳа институти томонидан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилгани кўҳна шаҳар манзарасини буткул ўзгартириб юборди.

Истиқлолимизнинг муродбахш йилларида вилоятимиз учун ҳам эсда қоларли оламшумул воқеалар кўп бўлди. Самарқанд яқинида, Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасининг барпо этилиши, қарийб йўқолиб бораётган 600.000 га яқин улуғ аждодларимиз ётган салкам 2 минг йиллик мозор — Чокардизанинг ободонлаштирилиши, имом ал-Мотуридий зиёратгоҳининг барпо этилиши, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасининг тўлиқ реконструкция қилиниши, соҳибқирон Амир Темурга салобатли ҳайкал ўрнатилиши, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйининг нишонланиши каби йирик бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, нуфузли тадбирлар — мамлакатимиз салоҳиятини, танлаган йўлининг самарасини, муваффақиятини кўрсатди.

Буларнинг бари дунёнинг қадимий ва абадий барҳаёт манзили — Самарқанднинг Истиқлол даврида йилдан-йилга шукуҳи, меҳри ва нури, довруғию шуҳрати аввалгидан-да юксалганини белгилаб берди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport



## Алоқачилар беллашди

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Алоқачи" соғломлаштириш масканида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхоналар ходимлари ўртасида анъанавий спартакиада бўлиб ўтди.

Мусобақада Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 14 та жамоа шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол ва кўпкураш бўйича беллашдилар.

Кўпкурашда Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари жамоалари ҳам ғолиблар сафидан жой олишди.

**Д. АҲМАД олган сурат.**

## Медаллар кўпаймоқда

***Брест (Беларусь) шаҳрида давом этаётган I ЕвроОсиё спорт ўйинларининг навбатдаги куни ҳам ҳамюртларимиз учун омадли келди.***

Жумладан, уч ҳатлаб сакраш баҳсларида Валерия Канатова энг яхши натижа қайд этиб, олтин медаль билан тақдирланди. Мазкур мусобақаларда белбоғли кураш бўйича икки нафар вакилимиз қатнашаётганди. Аҳамиятлиси, уларнинг иккаласи ҳам юртимизга медаллар билан қайтадиган бўлди. Жасур Эгамбердиев (80 кг.) ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб олтин, Отабек Ҳамидов (50 кг.) эса кумуш медалга сазовор бўлишди.

Эркин кураш турида қатнашган ёш полвонларимиз ҳам мақтовли натижаларга эришдилар. Кечаги беллашувларда Олимжон Тошкенбоев (35 кг.) олтин медални қўлга киритди. Мавлонбек Саидназаров (42 кг.) ва Бобуржон Раҳимовга (85кг.) кумуш, Муҳаммадсидиқ Жўраевга (53 кг.) эса бронза медали насиб этди.

Ҳозиргача ўзбекистонлик спортчилар ҳисобида 5 та олтин, 6 та кумуш ва 1 та бронза медали бор.

FILA

***Ўзбекистонлик полвон Заурбек Сохиев (84кг.) Озарбойжон пойтахти Бокуда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди.***

## БАЛЛИ, ЗАУРБЕК!

Заурбек бронзагача бўлган йўлда Д. Лее (Жанубий Корея), Л. Лизидис (Греция), С. Болчи (Туркия) сингари номдор полвонларни мағлуб этди. Ҳамюртимиз ўз вазн тоифасида жаҳонда учинчи полвон бўлиши билан бир қаторда, Пекин Олимпиадаси йўлланмасига ҳам эга бўлди. Бундан олдин Элдор Ҳафизов (юнон-рум кураши) ва Дилшод Мансуров (эркин кураш) Олимпиада йўлланмасини қўлга киритишган эди.

Кеча оғир вазнли полвонлар ҳам баҳсларга киришдилар. Демак, Бокудаги Ҳайдар Алиев номидаги муҳташам спорт мажмуаси гиламларига чиққан полвонларимиз Қурбон Қурбонов (96 кг.), Артур Таймазов (120 кг.)дан ҳам яхши натижалар кутиб қоламиз.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ

**«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ**

**2007 йил 23 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган қуйидаги автотранспорт воситаларини қўймоқда:**

● 2006 йил 30 январдаги 1668/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳудудидаги «Эркин» жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 11Т00-70 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-212» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 18 924 000 сўм.

● 2007 йил 5 апрелдаги 4782/9-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30О55-05 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тойота-Лексус LX-470» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 132 000 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» мини-банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри,**
**Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**

***Лицензия DB001-000010.***

IPOTEKA BANK

IPOTEKA BANK



## "ОЛТИН ХИРМОН"

омонати

**йиллик 25 фоиз**

Омонат муддати — 3 ой.

Омонат 2007 йил 15 октябргача қабул қилинади.

Бундан ташқари, сиз банкнинг қуйидаги омонатларига ҳам ўз маблағингизни жойлаштиришингиз мумкин.

| | | | |
|---|---|---|---|
| "Талаб килиб олгунча" | 2% | муддатсиз | Фоизлар омонат муддати тугагандан кейин берилади |
| "Болажон" | 14% | 18 ёшгача | Фоизлар омонат муддати тугагандан кейин берилади |
| "Коммунал" | 18% | 12 ойлик | Омонат фоизи ойма-ой берилади |
| "Юрт" | 22% | 1 ойлик | Фоизлар омонат муддати тугагандан кейин берилади |
| "Адолат" | 24% | 6 ойлик | Омонат фоизи ойма-ой берилади |
| "Шодиёна" | 24% | 3 ойлик | Фоизлар омонат муддати тугагандан кейин берилади |
| "Нур-2" | 24% | 6 ойлик | Фоизлар капитализацияланади |

Тўлиқроқ маълумотни банкнинг жамғарма кассаларидан олишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 150-89-56
(8-371) 150-89-58

Сизнинг омонатингиз Фуқароларнинг омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан кафолатланган.

14008/1707

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

**Фарғона вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

**танлов савдоси эълон қилади.**

**Объект номи Лот № 7**

**7.1. Қува тумани Сўфи қишлоғидаги 59-сонли;**
**7.2. Данғара тумани Қияли қишлоғидаги 28-сонли;**
**7.3. Боғдод тумани Хитой қишлоғидаги 34-сонли умумтаълим мактабларини мукаммал реконструкциялаш (қурилиш-монтаж ишлари);**
***Қурилиш муддати — 2008 йил 1 август.***

**Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Найман қишлоғидаги 540/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан).**
***Қурилиш муддати — 2008 йил 1 август.***

**Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги республика ногиронлар касб-ҳунар коллежини мукаммал реконструкциялаш (калити билан).**
***Қурилиш муддати — 2008 йил 1 август.***

**Фарғона вилояти, Сўх тумани, Тул қишлоғидаги 540/150 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан).**
***Қурилиш муддати — 2008 йил 1 август.***

**Манзил: Фарғона шаҳри, К. Раҳимов кўчаси, 2-«А» уй.**
**Тел./факс: 224-24-33, 224-75-43.**
**Умумий қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.**

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш ва умумтаълим мактабларини таъмирлаш ишларида энг камида 2 йиллик иш тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Фарғона шаҳри, К. Раҳимов кўчаси, 2-«А» уй. Тел./факс: 224-18-71, 224-18-76.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.**
**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**

14018/1737


Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси В. А. Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

**Комилжон Одилович ЗОИРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси жамоаси «Зармитан геология-қидирув экспедицияси» давлат корхонасининг директори Саид Очилович Жумаевга қизи

**Райҳон ЖУМАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Олий ҳарбий божхона институти раҳбарияти ва шахсий таркиби Халқаро алоқалар бўлинмаси бошлиғи Санам Худайбергеновага синглиси

**Қурбонжон ХУДАЙБЕРГЕНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси марказ ходими Абдуғани Алимовга онаси

**МУНИРА аянинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси «Асаб касалликлари, тиббий генетика» кафедрасининг ассистенти Муҳаммаджон Шукуруллаевич Босимовга ўғли

**АСИЛБЕКнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Давлат белгиси« ДИЧБнинг Тошкент Қоғоз фабрикаси раҳбарияти ва жамоаси корхона раҳбари Абдуазим Фаттоҳович Иргашевга опаси

**Маъмурахон АЗИЗОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.05 23456